

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар “Оби ҳаёт” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида шаҳар судининг судьяси Я.Эрматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Маҳаммаджонованинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурори Қ.Ахмаджонов, судланувчи А.Давлатов ва унинг химоячиси-адвокат Б.Валижонов, жабрланувчи Л.Паттаевлар иштирокида, Давлятов Акмал Рустамовичга оид 1-1601-2507/1331-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Давлятов Акмал Рустамович, 07.02.1975 йилда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали,

6 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, хусусий тарзда устачилик билан шуғулланади, муқаддам:

1) 24.10.1995 йилда Чилонзор туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 3 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) 29.03.2000 йилда Наманган шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 11 ой 4 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 10.09.2001 йилда амнистия актига асосан жазодан озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, Наманган шаҳар, “Байналминал” МФЙ, У.Юсупов кўчаси, 2-берк, 1-уйда истиқомат қилади, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 31104.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, иш бўйича судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Давлятов ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2025 йил 1 август



куни соат 05:00ларда маст ҳолатда бўла туриб, Наманган шаҳар, А.Навоий кўчасида жойлашган “OQTEPA LAVASH” номли кафега келиб, у ерда стол устида турган кафе ишчиси Л.Паттаевга тегишли нархи 9.519.315 сўм қийматидаги 750 АҚШ долларлик “Iphone 14 Pro max” русумли телефон аппаратини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи А.Давлятов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 31 июль куни кечи пайт соат 23:00 ларда Наманган шаҳар, “Чорсу” бозори олдидаги ошхонада спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда кўчаларни айланиб, А.Навоий кўчасидаги “Оқтепа лаваш” кафеси олдида келганини, кафега кириб ўтирмақчи бўлганида стол устида телефон аппарати турганини кўриб, уни ўғирлаб кетишни мақсад қилганини, телефон аппаратини ёнига борганида нотаниш шахс ухлаб ётган бўлганини, сўнг телефон аппаратини ўғирлаб олиб, чўнтагига солиб ташқарига чиқиб кетганини, сўнг Наманган шаҳар, Чорсу меҳмонхонасини олдида пиёда бориб, у ердаги телефон аппаратлари бозорида нотаниш шахсга телефон аппаратини ўзига тегишли эканлигини, пул керак бўлгани учун сотаётганини айтиб, 170.000 сўмга сотиб юборганини, пулларга спиртли ичимлик истеъмол қилганини, орадан бир кун ўтиб, ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келиб, А.Навоий кўчасидаги “Оқтепа лаваш” кафесидан ўғирланган телефон аппарати ҳақида сўрашганини, айбига иқрор бўлиб, ИИБ ходимларига телефон аппаратини ўғирлаб кетиб, Чорсу меҳмонхонаси олдидаги бозорда сотиб юборганини маълум қилганини, имкон қадар жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб беришини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Давлятовнинг жиноятни содир этганликдаги айби унинг иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судда аниқланган ва текширилган далиллар билан, яъни:

Жабрланувчи Л.Паттаев суд мажлисида, Наманган шаҳар, А.Навоий кўчасидаги “Оқтепа лаваш” номли кафеда ишлаб келишини, 2025 йил 31 июль куни кафеда ишда бўлганини, шу куни навбатчи бўлгани учун кечаси кафеда қолиб ишлаганини, 2025 йил 1 августга ўтар кечаси соат 04:00 ларга қадар ишлаб, ўзига тегишли “Iрхона 14 pro max” русумли телефон аппаратини кафедаги стул устига қўйиб, ўзи ухлаб қолганини, эрталаб туриб телефон аппарати қўйган жойида йўқлигини кўриб, билдиридан телефон аппаратини сўраб сўриштирганини, оқ телефон аппаратини топа олмаганини, шундан сўнг



ўғирлик ҳақида ИИБга хабар берганини, тергов давомида мазкур ўғирликни Давлятов Акмал Рустамович содир қилгани аниқланганини, ушбу телефон апаратини 2025 йил июль ойи охирларида Наманган шаҳридаги “Техно парк” дўконидан 750 АҚШ долларга сотиб олганини, судланувчи А.Давлятов томонидан унга етказилган зарар ҳозирга қадар қопланмаганини, шу сабабли унинг судланувчига моддий зарар бўйича даъвоси борлигини баён қилиб, судланувчидан ўзига етказилган зарарни ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Давлятовнинг айби жиноят ишидаги жабрланувчининг аризаси, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловалар, А.Давлятовнинг жинойий ҳаракатлари тасвирланган видеоёзувлар ва уларни кўздан кечириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Тергов органи томонидан судланувчи А.Давлятовнинг 2025 йил

1 август куни соат 05:00ларда маст ҳолатда бўла туриб, Наманган шаҳар, А.Навоий кўчасида жойлашган “OQTERA LAVASH” номли кафега келиб, стол устида турган кафе ишчиси Л.Паттаевга тегишли нархи 9.519.315 сўм қийматидаги 750 АҚШ долларлик “Iphone 14 Pro max” русумли телефон апаратини яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилona бўлиши, жиноятнинг



оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.05.2014 йилдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи А.Давлятовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони иллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғаразли

ҳолатларда ҳамда маст ҳолатда содир қилганини жазони



оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, унинг шахсини, айбининг шакли ва даражасини, жиноят содир қилиш шароити ва сабабларини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг қопланмаганини, жабрланувчининг моддий зарар бўйича даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи А.Давлятовга озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Байналминал” МФЙ, У.Юсупов кўчаси, 2-берк, 1-уйда ўташни белгилаб, жазони ўташ даврида:

ҳар ойда бир маротаба Наманган шаҳар ИИБ Пробация гуруҳида рўйхатдан ўтиб туришлик;

Наманган шаҳар ИИБнинг розилигисиз Наманган вилоят ҳудудидан чиқмаслик;

Наманган шаҳар ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

алкоголли ичимликлар сотиладиган кафе, бар ва ресторанларга бормаслик;

ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш каби қўшимча мажбуриятлар юклатишни лозим топади.

Суд, иш бўйича зарар масаласини муҳокама қилиб, ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи А.Давлятовдан жабрланувчи Л.Паттаев фойдасига 9.011.205 сўм зарар ундиришни белгилашни;

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳодиса содир бўлган жойдан олинган видеотасвирлар ёзиб олинган 1 дона ДВД диск жиноят ишига қўшилганлиги ҳамда А.Давлятовга тегишли кийимлар унинг ўзига қайтарилганини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Давлятов Акмал Рустамович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Давлятов Акмал Рустамовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи А.Давлятовга озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Байналминал” МФЙ, У.Юсупов кўчаси, 2-берк, 1-уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида унга қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар ўрнатилсин:

- ҳар ойда бир мартаба Наманган шаҳар ИИБ Пробация гуруҳида рўйхатдан ўтиб туришлик;

- Наманган шаҳар ИИБнинг розилигисиз Наманган вилоят ҳудудидан чиқмаслик;

- Наманган шаҳар ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

- алкоғолли ичимликлар сотиладиган кафе, бар ва ресторанларга бормаслик;

- ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш каби қўшимча мажбуриятлар юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Наманган шаҳар ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи А.Давлятов Наманган шаҳар ИИБ Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб ўтатирилсин.

Ҳукми ижро қилиш Наманган шаҳар ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи А.Давлятовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида кўрсатилган оқибатлари тушунтирилсин.

Судланувчи А.Давлятовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи А.Давлятовдан жабрланувчи Л.Паттаев фойдасига 9.011.205 сўм зарар ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ҳодиса содир бўлган жойдан олинган видеотасвирлар ёзиб олинган 1 дона ДВД диск жиноят ишига қўшилганлиги ҳамда А.Давлятовга тегишли кийимлар унинг ўзига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, ланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан лаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Наманган



вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Я.Эрматов

Маъсул судья: Эрматов Ярашжон Баратович



Ҳужжат имзоланган: Эрматов Ярашжон Баратович, 24.11.2025

